

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН КЕЙИНГИ СУД НАЗОРАТИНИНГ МУАММОЛАРИ

*Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович Одил судлов академияси
мустақил изланувчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатлари устидан кейинги суд назоратининг превентив суд назоратидан фарқловчи хусусиятлар таҳлил этилган. Шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказишда “кечиктириб бўлмайдиган ҳолат” мавжудлигини текшириш муаммолари муҳокама этилган.

Калит сўзлар: суд, ишни судга қадар юритиш босқичи, суд назорати тергов ҳаракати, қонунийлик, кечиктириб бўлмайдиган ҳолат

ПРОБЛЕМЫ ПОСЛЕДУЮЩЕГО СУДЕБНОГО КОНТРОЛЯ ЗА СЛЕДСТВЕННЫМИ ДЕЙСТВИЯМИ НА СТАДИИ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА

Аннотация. В данной статье анализируются особенности, отличающие последующий судебный надзор за следственными действиями на стадии досудебного производства от превентивного судебного контроля. Также обсуждались проблемы проверки наличия случаев не терпящих отлагательства при проведении следственных действий.

Ключевые слова: суд, стадия досудебного производства, судебный контроль, следственное действие, законность, неотложность

PROBLEMS OF FURTHER JUDICIAL CONTROL OVER INVESTIGATIVE ACTIONS AT THE PRE-TRIAL STAGE

Abstract. This article analyzes the features that distinguish subsequent judicial control over investigative actions at the pre-trial stage from preventive judicial control. The problems of checking the presence of "urgent circumstances" during investigative actions were also discussed.

Keywords: court, pre-trial proceedings stage, judicial control, investigative action, legality, urgency

Превентив суд назоратининг функцияси қонун бузилишини ҳолатининг олдини олиш, содир этилган ҳолда аниқлаш ва бартараф қилишдан иборат бўлса, кейинги суд назоратида қонун бузилишини ҳолатини фақат аниқлаш ва бартараф қилиш мумкин.

Айрим тергов ҳаракатларини ўз вақтида ўтказмаслик жиноят процесси ва тергов мақсадлари учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигидан келиб чиқиб, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи бир қатор тергов ҳаракатларини ўтказишнинг алоҳида тартиби белгиланган.

ЖПКда **кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда** ўтказилган тергов ҳаракатларининг қонунийлигини суд назорати воситасида текшириш механизмини белгилаган. Бироқ, бунда суд назорати предмети нафақат конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асослар мавжудлиги балки, “кечиктириб бўлмайдиган ҳолат” мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига баҳо бериши зарур.

“Кечиктириб бўлмайдиган ҳолат” баҳоловчи тушунча бўлиб, қонун чиқарувчининг позициясига мувофиқ мазкур ҳолат мавжудлигини суриштирувчи ёки терговчи мустақил равишда аниқлаши ва баҳо бериши талаб қилинади.

Терговчига ушбу масалани ўзининг ҳуқуқий онгидан келиб чиқиб ҳал қилиш талаб қилинади. Шу билан бирга, терговчиларнинг бир қисмида ҳуқуқий онг касбий деформацияга учраганлиги сабабли ўзининг фаолиятида баъзида қонунийликнинг зарарига бўлсада амалда мақсадга мувофиқликка афзаллик берилади.

Бинобарин мазкур муаммо кечиктириб бўлмайдиган ҳолат тушунчасини субъектив талқин қилинишининг олдини олиш билан боғлиқ. Сабаби, етарли асослар мавжуд бўлмасада мажбурлов элементлари бўлган тергов ҳаракатларини ўтказиш шахснинг конституциявий ҳуқуқлари асоссиз чекланишига олиб келиши мумкин.

Бошқача айтганда айрим ҳолларда суриштирувчи ва терговчи тергов ҳаракатини кечиктириб бўлмайдиган вазиятда амалга ошириш асослари сунъий равишда яратиши мумкин.

Шу сабабли, Н.А.Колоколовнинг кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларнинг баҳоловчи характери тинтувни заруратсиз ўтказиш бўйича салбий амалиётини яратаётганлиги ҳақида фикрини асосли деб ҳисоблаймиз¹

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун турли ёндашувлар шу жумладан, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар рўйхатини қонун билан белгилаш қўлланилган. Жумладан, РФ Тергов қўмитасининг 2011 йил йил 15 январдаги № 2-сонли буйруғида кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар рўйхати белгиланган бўлиб, унга кўра:

жиноятнинг олдини олиш, чек қўйиш ва унинг изларини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур бўлган;

мазкур тергов ҳаракатларини ўтказишнинг фактик асослари бошқа жойда кўздан кечириш, тинтув ва олиб қўйишни амалга ошириш жараёнида юзага келганда;

уларни ўтказишни кечиктириш гумон қилинувчига яширин имкониятини берса;

уларни ўтказишнинг кечиктириб бўлмаслиги, яқинда содир этилган жиноят ҳолати билан шартланса;

қидирилаётган объектларнинг йўқ қилиниши ёки яширилишининг реал хавфи юзага келса;

тергов ҳаракати ўтказилаётган бино ёки бошқа жойда бўлган шахс ўзида жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган предмет ёки

хужжатларни яшираётганлиги ҳақида етарли асослар мавжуд бўлса².

Бироқ, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни бундай аниқлаштирилиши ёки хатто кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш учун махсус ҳуқуқий мезонларни шакллантириш гарчи дастлабки тергов органлари томонидан ўзбошимчалик имкониятини бир қадар пасайтириш имконини берсада(кам эҳтимол билан), ҳар қандай ҳолда ҳуқуқни қўлловчи у ёки бу тергов вазиятининг баҳоловчи характерида чикариб кета олмайди.

Яъни ҳар қандай ҳолатда суриштирувчи ёки терговчида кечиктириб бўлмайдиган ҳолатни баҳолашнинг дискрецион ваколати мавжуд бўлиши заруратини инкор қилиб бўлмайди, бироқ дискрецион ваколат фақат жиноят процесси манфаатларидан келиб чиқиши ва назорат предмети бўлиши талаб этилади.

РФ Олий суди Пленуми ҳам 2017 йил 1 июндаги қарорида кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларнинг шунга ўхшаш рўйхатини берган.

Бироқ, юқорида келтирилган баъзи асослар(жиноятнинг олдини олиш, чек қўйиш ва унинг изларини мустаҳкамлаш чораларини кўриш) хаддан ташқари кенглиги ва субъектив талқин қилиш имконини бериши сабабли мазкур мезонларни мукамал деб бўлмайди.

А.П.Коротковнинг фикрига кўра, тергов ҳаракатини ўтказишни кечиктириш жиноят иши учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатлар кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар ҳисобланади. Булар жумласига, мисол тариқасида тинтув ўтказиш кейинги жиноий фаолиятга чек қўйиш, ихтиёрида жиноят иши учун муҳим бўлган объектлар бўлган шахс уларни йўқ қилиш чораларини кўраётганлиги ҳақида маълумот келиб тушганлиги, тинтув ўтказишни озгина бўлсада кечиктириш, қидирилаётган объектларнинг йўқ қилиши ёки яширилиши ҳолатларини киритган.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса аксинча кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар мезонларини қонунда белгилаш ҳақида таклифни илгари

сурганлар³.

Жумладан, Соловьев А.Б.нинг фикрига кўра бундай ҳолат кутилмаганда юзага келиши ва тергов динамикасидан келиб чиқиши, қарор қабул қилиш учун вақт етишмаслиги билан шартланиши, ўтказмаслик ёки ўз вақтида ўтказмаслик оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги, тергов ҳаракати ЖПКда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда ва уни ўтказишнинг процессуал тартибига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши, иш бўйича гумон қилинувчи ва айбланувчи бўлмаган шахсда уларни ўтказиш асослари алоҳида эътибор билан текширилиши талаб қилинади.

Афсуски, кечиктириб бўлмайдиган ҳолат объектив мавжуд бўлмасада, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари ўтказишнинг ҳуқуқий оқибати ЖПКда белгиланмаган.

Натижада амалиётда бундай тергов ҳаракатлари натижалари номақбул деб топилмасдан, судлар томонидан фақатгина хусусий ажрим чиқариш билан муносабат билдирилади.

Суд назоратини четлаб ўтишнинг ҳуқуқий оқибатлари белгиланмаганлиги натижасида умумий тартиб ва алоҳида тартиб(кечиктириб бўлмайдиган ҳолат) ўртасида чегара йўқолади, шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари расмийликка айланади.

Тергов ҳаракатларини асоссиз ўтказилишининг ҳуқуқий оқибати сифатида процессуал санкция аввало тергов ҳаракатлари натижаларининг далиллар қаторидан чиқариш билан боғлиқ.

ЖПКнинг 158¹-моддасига мувофиқ, агар судья ўтказилган тинтувни қонунга хилоф деб топса, тинтув ўтказиш чоғида олинган барча далиллар ушбу Кодекснинг [95¹-моддасига](#) мувофиқ номақбул деб топилади.

Худди шундай тартиб телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга нисбатан ҳам қўлланилади.

Яъни қонун тинтувни, телефонлар ва бошқа телекоммуникация

қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришни қонунга ҳилоф деб топилиши натижасида олинган барча далилларни номақбул деб топилишини кўзда тутади.

Бироқ, мазкур тартибнинг далилларни номақбул деб топилишининг умумий тартибидан фарқли жиҳатлари мавжуд. Жумладан, далилларни эркин баҳолаш принциpidан келиб чиқиб, ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқирилиши мумкин. Ёки биринчи инстанция суди томонидан номақбул деб топилган далил апелляция инстанцияси суди томонидан мақбул далил деб топилиши мумкин.

Бироқ, тинтув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришнинг қонунга ҳилоф деб топилиши автоматик равишда олинган барча далилларни номақбул деб топилишига олиб келади.

ЖПКда мол-мулкни хатлаш ҳукмининг фуқаровий даъвога ва бошқа мулккий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлашга қаратилганлиги яъни процессуал мажбурлов чораси эканлиги белгиланган. Бироқ, мол-мулкни хатлаш давомида ишга алоқадор далиллар аниқланиши ва олинлиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Мисол учун коррупциявий жиноятлар бўйича шахсга тегишли жуда катта миқдордаги мол-мулк ёки пул маблағлари хатланиши суд томонидан гарси билвосита бўлсада шахснинг айблилигини тасдиқловчи далил сифатида кўрилиши мумкин.

Айнан шу сабабдан, ЖПКнинг 290-моддасида агар судья мол-мулкни хатлаш қонунга ҳилоф равишда амалга оширилган деб топса, уни амалга ошириш давомида олинган барча далиллар ушбу Кодекснинг [95¹-моддасига](#) мувофиқ номақбул деб топилиши кўзда тутилади.

Бироқ, мол-мулкни хатлашда бошқа тергов ҳаракатларига хос бўлган хусусият-билиш мақсади мавжуд эмас. Хатлашнинг мақсади мол-мулкни

тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланишни ман этиш ёхуд чеклашдан иборат.

Кейинги суд назоратини амалга оширар экан, суд превентив суд назоратидан фарқли равишда тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақида қарор ва тергов ҳаракатининг қонунийлигига баҳо беради.

Судья, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, тинтув, мол-мулкни хатлашни қонунга ҳилоф деб топса, олинган барча далиллар ушбу Кодекснинг [95¹-моддасига](#) мувофиқ номақбул деб топилади.

Бироқ, мазкур ҳолатда далилларни номақбул деб топилиши, суд муҳокамасида далилларнинг номақбул деб топилишидан жиддий фарқланади. Сабаби, дастлабки эшитув давомида номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи ишни мазмунан кўриш давомида тарафларнинг илтимосномасига асосан қайта кўрилиши мумкин, биринчи инстанция томонидан номақбул деб топилган далилни мақбул деб топиш масаласи апелляция инстанциясида ва бошқа инстанцияларда кўрилиши мумкин. Бироқ, суд назорати натижасида тергов ҳаракатини қонунга ҳилоф ўтказилган деб топилишининг ҳуқуқий оқибати бошқача ва апелляциядан сўнг якуний ҳисобланади.

Тергов ҳаракатларининг қонунийлиги, уни ўтказиш учун етарли асосларнинг мавжудлиги ва уни ўтказиш ҳақида қарорнинг жиноят-процессуал қонуни нормалари ва жиноят процессининг мақсадларига мувофиқлиги, ҳуқуқларни чеклаш даражасининг иш ҳолатига мутаносиблигини аниқлатади.

Юқоридагиларга кўра, кейинги суд назорати дастлабки суд назоратидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

Суд назорати шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тергов ҳаракатлари ўтказилгандан кейин амалга оширилиши, превентив суд назоратидан суд муҳокамаси иштирокчилари доирасига кўра, суд

назоратининг натижаларига кўра фарқланади.

Кейинги суд назоратининг самарадорлиги тергов ҳаракатларининг қонунийлиги ва ноқонунийлиги ўртасида чегаранинг норматив белгиланиши ва қонунни қўллаш юзасидан суд амалиётига бевосита боғлиқ.

Ғайриҳуқуқий чекловга тергов ҳаракатининг ноқонуний ёки асоссиз ўтказилиши билан боғлиқ чекловлар, шунингдек тергов ҳаракатини ўтказишда зарурий мажбурлов чегараси доирасидан ташқарига чиқувчи чекловлар киради⁴.

Кейинги суд назоратининг асосий муаммоларидан бири ЖПКда судьянинг ўтказилган тергов ҳаракатининг қонунийлигига баҳо беришда қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш шу жумладан турар-жойида тинтув ўтказилган ёки ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланган шахснинг, холислар ёки процесснинг бошқа иштирокчиларини эшитиш ваколати кўзда тутилмаган. Яъни ўтказилган тергов ҳаракатига фақатгина тергов органи томонидан тақдим қилинган материаллардан келиб чиқиб баҳо беради.

РФ Конституциявий суди 2008 йил 16 декабрдаги қарорида мазкур тергов ҳаракати натижасида конституциявий ҳуқуқлари бузилган шахслар, шунингдек уларнинг ҳимоялари ва вакилларига судга ўтказилган тергов ҳаракатининг қонунийлиги масаласида ўзларининг позициясини етказиш имконияти таъминланиши зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган⁵.

Юқоридагилардан келиб айрим олимларнинг мурдани эксгумация қилиш тўғрисида ва почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш муддатини янада қисқартириб, илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан **икки** соатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши ҳақида таклифларини тарлича асослантирилмаган деб ҳисоблаймиз. Сабаби, суд назорати муддатларини қисқартириш, суд назоратининг самарадорлигига салбий таъсир ўтказди, суд назоратининг янада формал жараёнга айланишига сабаб бўлади⁶.

Кейинги суд назоратининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда ҳуқуқлари чекланган шахснинг иштирок этиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Яъни тергов ҳаракати ўтказилгандан сўнг уни ўтказиш ҳақида қарорни энди тергов сири бўлмайди, бинобарин унинг қонунийлиги ҳақида масала юзасидан суд муҳокамасида шахснинг иштирок этишига монелик қилувчи ҳолат мавжуд эмас. Бироқ суднинг манфаатдор шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш мажбурияти қонунда кўзда тутилмаган.

Тергов ҳаракатларининг қонунийлиги устидан суд назорати нафақат тергов органининг илтимосномалари ва хабарномаларини кўриб чиқиш натижасида, балки ишни судга қадар юритиш учун масъул бўлган давлат органларининг ҳаракатларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Соловьев А.Б. Избранные труды / [сост. Е.В. Быкова, В.С. Выкуб, Е.А. Фонарева; вступит. ст. А.Г. Волеводза]; Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2021. (Научные труды ученых Университета прокуратуры Российской Федерации). 60-б

2. Колоколов Н.А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования : учеб. пособие для студ. вузов. М. : ЮНИТИ-ДАНА ; Закон и право, 2004.

3. Докипедия: Приказ Следственного комитета РФ от 15 января 2011 г. N 2"Об организации предварительного расследования в Следственном комитете Российской Федерации. <https://dokipedia.ru/document/5165353>

4. С.Б. Россинский. Размышления об эффективности судебного контроля за производством следственных действий / Вестник Томского государственного университета. 2017. № 423. С. 228. DOI: 10.17223/15617793/423/31

5. Соловьев А.Б. Обеспечение обоснованности проведения осмотра в жилище, обыска и выемки в жилище в исключительных случаях, не <https://scientific-jl.com/>

терпящих отлагательства // Уголовное право. 2004. № 2. Быков В.М. Следователь в уголовном процессе России. М. : Юрлитинформ, 2014.

6. Ефремова С.В. Обоснованность следственных действий как гарантия прав и свобод участников процесса: Автореф. дис. к.ю.н. / – Самара, 2004. – 6 б.

7. Определение Конституционного Суда РФ от 16.12.2008 № 1076-О «По жалобам граждан Арбузовой Елены Николаевны, Баланчуковой Александры Васильевны и других на нарушение их конституционных прав частями третьей и пятой статьи 165 Уголовно процессуального кодекса Российской Федерации» // Вестник Конституционного Суда РФ. 2009. № 3.

8. М.Х.Кадирова. Рақамлаштириш орқали жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш муаммолари. юрид. фан. докт. ... дисс. автореферати. -Т., 2023. -Б. 255